

2015 2015 2015

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

2

(1164)
9-YANVAR

2015

www.xabar.uz
info@xabar.uz

1992-YIL MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

СИЗЛАР БОРКИ, ҲАЁТИМИЗ ТИНЧ

Дунёда касблар кил-ма-кил. Улар ичида шундай бир касб борки, унинг мартабаси улғу, қадрни баланд, масъулияти юқори. Бу касб эгаларининг кечасию кундузи бедорликлари, ўз постида сергакликлари сабаб ҳаёт осуда – катталар ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида меҳнат қиладилар ва шу йўл билан ҳаёт фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшадилар, болалар эса маъза қилиб боғчаларда тарбияланиб, мактабларда билим оладилар. Бу нуфузли, масъулиятли касб эгалари ҳарбийлардир.

4-5-бетлар

14 январь —
Ватан ҳимоячилари куни



УШБУ СОНДА:


- Ахборот асрининг имкониятлари **2**
- Онлайн ўқитиш тизими **3**
- Зона UZ в 2014 году выросла на 11% **6**
- Дўстлик ва билимлар кўприги **11**
- 2015 йил қурилмалари **14**
- Ўзбек футбол академиги **15**

Сўнги янгилик!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015 йилни Халқаро ёруғлик ва ёруғлик технологиялари йили дея эълон қилди.

Мазкур технологиялар, худди XX асрда электроника катта бурилиш ясагани сингари, XXI асрда глобал энергетика таъминоти, таълим, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислохотларда муҳим аҳамият касб этади.

ЮНЕСКО 2015 йил давомида илмий ҳамжамиятлар билан ҳамкорликда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган янги ёруғлик технологияларини ўзлаштириш билан шуғулланади.



Jumadan
Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 январ куни Оқсаройда Миср Араб Республикаси, Ветнам Социалистик Республикаси, Хиндистон Республикаси, Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчилари этиб тайинланган Гада ал-Ғанам, Фам Ван Фао, Викрам Дорасвами, Алит Сантикадан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини самимий кутлар экан, уларнинг шарафли ва масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади. Мулоқотлар чоғида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куроли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 22 сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш якунлари қўриб чиқилди. Такрорий овоз бериш миллий сайлов қонунчилигининг барча қоидаларига мувофиқ, умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида очик ва ошқора ўтказилди.

Фаргона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшилларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари учун 24 оилга мўлжалланган янги уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан "Болалар спорти: фикрлар, омиллар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди. Сўров қатнашчиларининг фикрича, мустақиллик йилларида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижасида спорт Ўзбекистон ёшлари ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, спортчиларимиз турли нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Сўров натижалари мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқларини яна бир бор тасдиқлади: мамлакатимизнинг барча ҳудудидан сўровда иштирок этганлар аксариятининг (95 фоиз) юртимизда болалар спорти оммавий тус олганлигига ишончи қомил.

Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим ўстувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ахборот-коммуникация соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳалар, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиши ҳамда электрон рақамли имзонинг асоси ҳисобланган "Электрон ҳуқуқ-мат" тизимини шакллантиришга оид комплекс дастурни амалга ошириш муҳимлигини таъкидлаган эди.



Ахборот асрининг имкониятлари

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, аввало, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда соҳанинг ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги тараққиёт негизида, авваламбор, ахборот технологиялари турганини энг илғор давлатлар ва умуман, дунё тажрибаси мисолида кўриш ва англаш қийин эмас. Айниқса, бизнес аҳли тобора фаол тарзда онлайн усулига ўтмоқда. Ўз харида ва маҳсулот етказиб бериши билан боғлиқ юмушларни интернет орқали амалга ошираётган компаниялар тобора кўпаймоқда.

Ҳаттоки, давлат бошқарувида глобал миқёсда ахборот технологиялари орқали эришилаётган ютуқларга ақл бовар қилмайди. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат томонидан бериладиган барча рухсат берувчи ҳужжатларни электрон шакл орқали олишлари, хусусан, онлайн усулида яққа тартибдаги тадбиркорни рўйхатга олиш ва юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш шулар жумласидандир.

Бу ўринда гап "Электрон ҳуқуқ-мат" тизими ҳақида бормоқда. Мазкур тизим ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат хизматлари ҳамда давлат органларининг фаолияти натижалари тўғрисида ахборот олиш (алмашиш) тезкорлиги ва қулайлигининг сифат жиҳатидан янги даражасини таъминловчи давлат органларининг фаолиятини ташкил қилиш шакли ҳисобланади.

Маълумки, "Электрон ҳуқуқ-мат" тизимининг мазмун-моҳияти, биринчидан, инсоннинг ахборот олиш ҳуқуқи ва эркинлиги, иқтинидан,

фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаат қилиш ҳуқуқи, учинчидан, барча давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришдек конституциявий мажбуриятни электрон тарзда таъминлашни ўзида мужассам этган бўлиб, бу демократик жамият

на брокери мақомини олишга доир мурожаатларни, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясидан тегишлича самолёт ва поезд чипталарини брон қилиш ва реализациясини амалга ошириш, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш, буш иш ўринлари топиш кабиларни электрон йўл билан бажариш имконияти туғилди.

Шунингдек, "Электрон ҳуқуқ-мат" тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири бу — электрон ҳужжат айланиши тизими бўлиб, буни амалиётга муваффақиятли жорий қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хусусий сектор ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш, мамлакатимизда ахборот жамиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майдаги "Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи аппаратида, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилишда муҳим омил бўлди. Унинг ижроси доирасида "UNICON.UZ" давлат унитар корхонаси томонидан вазирлик ва идоралар ягона ҳимояланган "e-Nijjat" электрон ҳужжат айланиши тизимига уланди.

"Электрон ҳуқуқ-мат" тизими, авваламбор, давлат, халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидан масъул эканлиги, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилувчи конституциявий тамойилнинг яққол ифодасидир.

Афтовдил ИСМОИЛОВ

Онлайн ўқитиш тизими

Муаллимлар гуруҳи томонидан интернет онлайн ўқув курслари контентини шакллантириш, таҳрир қилиш ва бошқаришга мўлжалланган, давлат бошқарув органлари ходимларини онлайн ўқитиш тизими тақдир қилинди, дея хабар берди Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги.



Тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тизим фойдаланувчисини аутентификация қилиш;
- тизим фойдаланувчисини рўйхатдан ўтказиш;
- фойдаланувчининг шахсий кабинетини шакллантириш;
- ўқув курсининг тизимланган контентини тайёрлаш (киритиш, таҳрир қилиш, форматлаш, ўчириш);
- факултетлар, кафедралар, ўқитувчилар ва тингловчилар тўғрисидаги маълумотни ҳамда тизим маълумотномаларини тайёрлаш;
- ўқув курслари бўйича гуруҳ-

ларни ва дарс жадвалини шакллантириш;

- ўқув курслари, курс мавзуйи, ўқув курси бўйича вазифалар, курс бўйича қўшимча материаллар, қўшимча материаллар мавзулари бўйича вазифалар контентини чиқариш;
- дарс жадвалини чиқариш; тингловчилар орасида интернет сўровномаларини ташкил қилиш;
- ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида хабар алмашиниш.

Ушбу дастурий маҳсулот муаллифлари — Д.Карабаев, Х.Зайнидинов, О.Ҳакимов ва Ш.Раҳматуллаевалар ДГУ 02816 рақамли гувоҳнома олишган.

Сифат ва қувонч

"Ўзбектелеком" АК ва Наманган филиали қўмағида Косонсой туманидаги Бухоро ва Бомраха қишлоқ АТСларига қуёш энергиясига мўлжалланган 600 ваттлик энергия ишлаб чиқарувчи ускуна ўрнатилиб фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, туман телекоммуникациялар боғламаси мутахассислари томонидан 2014 йилнинг биринчи чорагида 5,1 километр масофага оптик толали кабел тортилиб, айни пайтда хонадон ва ташкилотларга интернет ва IPTV сингари замонавий хизматлар тақдим этилмоқда.

Юқори сифатли хизматлардан қосонсойликларнинг қувончлари чексиз.

Муроджон ҚАЛАНДАРОВ,
ТАТУ Фарғона филиали 1-бошқич талабаси

QILMISH — QIDIRMISH

Бировнинг номидаги сим-карта

Садриддин Амонов Сергели туман ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида давлат рўйхатидан ўтиб, "Ҳақима савдо" ҳусусий корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келар эди...

2014 йилнинг 11 феврал куни корхонага қарашли Сергели тумани, Қўйлик-6 мавзесида жойлашган хизмат кўрсатиш шохобчасида ёнида фуқаролик паспорти бўлмаган фуқаро Камола Гиязовага "Ucell" алоқа компаниясига тегишли сим-картани ҳеч қандай расмийлаштиришларсиз сотиб юборди. Ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашиб, "ўзи йўқнинг кўзи йўқ" қабилида иш тутган С.Амонов мазкур қилмиши орқали бошқа бир абонент ва компания ўртасида тузилган шартноманинг расмий ҳужжат эканлигини унутиб қўяди.

Аслида, К.Гиязовага сотиб юборилган сим-карта фуқаро Н.Қадиоровнинг фуқаролик паспортига расмийлаштирилган бўлиб, гўёки ...24-70 рақамли сим-карта Н.Қадиорова ва уяли алоқа компанияси ўртасида тузилган шартномага қўра, ишга туширилган эди. Текширув давомида "абонент имзоси" бўлимидаги Н.Қадиоровнинг имзоси қалбақлаштирилгани маълум бўлди.

Энг ачинарлиси, С.Амонов қилар ишни қилиб, қингир қилмиши ошкор бўлганидан сўнг ўзини қўярга жой топа олмай қолади ва жиноятини яшириш мақсадида юқорида тилга олинган шартнома нусхасини қасдан йўқ қилади. Аммо, охири оқибат унинг бу қилмиши ҳам фақатгина ўзига зарар етказди, ҳоло.

Жасур САПАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти
Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими катта инспектори



"Ўзбекистон почтаси" АЖ: Эътиборли бўлинг!

Охириги пайтларда почта жўнатмаларида юборилиши тақиқланган нарса ёки моддаларни жўнатиш ҳолатлари сони ортган.

Почта жўнатмаларида аниқланган юборилиши тақиқланган нарса ёки моддалар олиб қўйилади, алоҳида ҳолларда эса текшириш ҳужжатлари тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилади.

Бундан ташқари, почта жўнатмасида юборилиши тақиқланган нарса ёки моддалар аниқланган ҳолатларда, божхона органлари томонидан тегишли тадбирлар ўтказилиши сабабли ушбу почта жўнатмасини оловчига етказиб бериш муддатлари узайтирилиши мумкин.

Халқаро почта жўнатмасини жўнатувчи Ўзбекистон Республикасига юборилиши тақиқланган нарса ва моддалар рўйхати билан почта жўнатмасини жўнатаётган мамлакатнинг почта хизматида танишиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари юборилиши тақиқланган ҳамда чекланган нарса ва моддаларнинг рўйхати билан ҳар бир почта алоқаси объектида танишиш имкониятига эга.

Pochta.uz



"Оғули" жўнатма

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июлдаги "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзда ўтказиш тўғрисида"ги 293-қарори билан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилиши, муомалага киритилиши тақиқланган ва чегараланган психотроп ҳамда наркотик воситалар рўйхати тасдиқланган. Шунингдек, ушбу қарор билан психотроп ва наркотик воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва муомалага киритиш тартиби белгилаб қўйилган.

Қолаверса, Халқаро почта Конвенциясига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларнинг юборилиши қатъиян тақиқланган.

Лекин, шунга қарамай, сўнгги пайтларда таркибида наркотик ва психотроп моддалари мавжуд дори воситаларини почта жўнатмалари орасида жўнатиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Бош-

почтамт" божхона пости ходимлари шу турдаги бир неча божхона қондабузарликларини фош қилишди.

Пойтахтлик У.Б. номига хориждан юборилган почта жўнатмаси божхона кўригидан ўтказилганда, буюмлар орасида "CN-23" шаклидаги божхона декларациясида кўрсатилмаган 143 дона "Акамол" номли психотроп таблеткалари борлиги маълум бўлди.

Мазкур пост ходимлари томонидан фуқаро У.М. номига келган почта жўнатмаси божхона кўригидан ўтказилганда эса ундаги буюмлар орасида 100 дона "Катапресан" номли психотроп таблеткалари борлиги аниқланди.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолатда эса фуқаро А.Г. номига келган почта жўнатмасидаги буюмлар орасида 90 дона "Тавор" номли психотроп таблеткалар борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизмати

Байрамингиз муборак бўлсин!

Азиз юртдошлар! Тунни тонга улаб йигитлик Абурчини адо этаётган ҳарбийлар — Ватан шунқорлари! Кўп йиллик тарихга эга бошқармаимизнинг бурчига содиқ, билимли, шижоатли ҳарбий алоқачилари! Яна беш кундан сўнг миллий армиямиз ташкил этилганлигининг 23 йиллигини катта тантана билан нишонлаймиз. Эл осойишталиги ишониб топширилган Ватан мудофаачилари қаторида бошқармаимиз аскар ва офицерларининг ҳам борлиги қувонарли, албатта.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, ҳарбий алоқачиларга ҳамма вақт энг масъулиятли вазифалар ишониб топширилган. Улар юзлаб сафдошларининг ҳаёти ўзининг ҳушёрлиги, матонати ва фидойилигига боғлиқлигини юракдан ҳис қилган ҳолда муҳим топшириқларни кўп қийинчиликлар билан адо этишган ва шунинг учун ҳам юксак эътирофга сазовор бўлишган.

Бошқармаимиз ҳарбийлари ҳам зиммаларидаги вазифа қанчалар масъулиятли эканлигини, бунинг учун билимли, матонатли бўлиш кераклигини яхши билишадди ва кун сайин ўзгариб, янгиланиб бораётган ҳарбий техникаларни, замонавий алоқа воситаларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилишадди. Бунинг учун бошқармаимизда ҳамма шароит яратилган.

Мен ҳар бир топшириқни тўлиқ адо этиш учун фидойилик қилаётган бошқармаимиз шахсий таркибини, шунингдек, мамлакатимиздаги барча ҳарбийларни, юртдошларимизни 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини билан табриқлайман. Оилаларига фаровонлик, ўзларига мустақкам соғлиқ тилайман.

Юртимиз осмони ҳамisha мусаффо бўлсин!

Бекзод АДЕНОВ,
МАТБ бошлиғи, подполковник



Сизлар борки,

Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ҳарбий соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратила бошланди. Аввало, миллий армиямизни яратиш ва шу орқали Ватан мудофаа қудратини оширишга, ҳарбий қисмларни замонавий қурол-яроғ билан таъминлашга, шунингдек, миллий ҳарбий офицерлар тайёрлашга жиддий киришилди. Республикаимиз ҳукумати ўша таҳликали йилларда бу боралда жиддий қарорлар қабул қилиб, унинг ижроси асносида армиямизда қатор ўзгаришлар содир этилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Куролли Кучлари дунёдаги энг кучли армиялардан бирига айланган. Улар сафида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-қисм)да ҳам анчагина ибратли ишлар амалга ошириляпти. 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини олдиндан ана шу бошқарманинг фидойи ҳарбий алоқачилари ҳақида ҳикоя қилишқни лозим топдик.

Миллий армиямизда бошланган ислохотлар сабаб Куролли



Кучлар тизимида фаолият юритаётган 15361-қисм негизда 1998 йили ҳарбий алоқачиларни тайёрлашга мўлжалланган Махсус авария-тиклаш бошқармаси ташкил этилиб, бошқарманинг янги штаб биноси ва аскарлар ётоқхонаси қурилди. Опшона, тиббий пункт, ҳаммом реконструкциядан чиқарилди. Шу тариқа бошқарма таркибидаги бинолар янгиланиб, аскарлар учун қулайликлар яратиб борилаверди.

Бошқарма тасарруфидоги иккита машина "Жайрон" комплекс радиостанцияси билан жиҳозланган ва бошқарма

ҳарбий алоқачилари бу техникаларни моҳирлик билан бошқармоқда.

МАТБда аскар ва офицерларнинг яхши яшашлари, спорт билан мунтазам шугулланишлари, ўқиб билим ва малакаларини оширишлари учун барча шароит яратилган. Бой китоб фондига эга кутубхона улар хизматида. Қисм веб-сайтига эга, интернет тармоғи орқали фойдаланувчилар нафақат юртимиз мудофаа тизимида, балки дунёда рўй бераётган янгилликлардан ўз вақтида хабардор бўлмоқдалар. Бу имкониятлар ишга тушириляётган янги техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришларида муҳим аҳамият касб этапти.

Мана, юртдошларимизга кўтаринки қайфият, мўл орзуниятлар олиб келган 2015 йилнинг ҳам иккинчи ҳафтаси ўтяпти. Янги йилни янги орзулар, хушниятлар билан қутиб олган мамлакатимиз аҳолиси энди Куролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 23 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да ҳам бу қутлуғ сана қатор муваффақиятлар, юксак тактик тайёргарлик, кўтаринки руҳ билан қутиб олинди.

Ватан қадри

Ўткиржон ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ алоқа соҳасига қизиқар, ўртоқларининг бузилиб қолган телефони борми, радиосими, тезда тузатиб берар, бу иш учун баъзан бир неча кунлаб вақтини сарфлар эди. Шунинг учун ҳам ўрта мактабни битирганидан сўнг соҳани мукамал эгаллаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факултетига ўқишга кирди.



— 2004 йилнинг 25 июлида ҳарбий хизматни давом эттириш учун Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)га юборилдим, — дейди майор Ўткиржон МАТОВ. — Бир йил давомида кўзалмас таянч алоқа тугуни устахонаси бошлиғи бўлиб ишладим. Сўнгра менга 1-авария тиклаш ишлари маркази бошлиғининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосарлик вазифаси ишониб топширилди. Кейинчалик шу марказ бошлиғи, 2013 йилнинг март ойидан ўта муҳим ва тоифаланган объектларни кўриқлаш алоҳида отряди штаб бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишладим. Ўтган йилнинг ноябрдан МАТБ алоқани ташкил этиш хизмати бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатяпман. Бу ердаги ҳаёт мени одамларни, Ватаннинг ҳар бир қарич ерини қадрлашга ўргатди. Негаки, Ватан — бу биз яшаётган маскан, унда улуг аجدдоларимиз хоки ётибди, энг яқин инсонларимиз умргузаронлик қилипти. Шунинг учун ҳам уни муҳофаза қилиш шарафлидир.





Янгийўллик сержант

Янгийўл Тошкент вилоятининг пойтахт билан чегарадош туманларидан бири. Бу ерда эл иши учун фидойи, мард инсонлар кўпчиликти ташкил этади. Исмоил Рамазонов ҳам ана шундайлардан бири. У рафиқаси билан биргаликда фарзандларини ҳам ўзлари каби меҳнатсевар, одамлар хизмати учун камарбаста инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишди. Уларнинг яхши ўқиши, бирор ишнинг бошини тутиши учун ҳамма шароитни яратиб беришди. Ўғли Исматнинг ҳарбийликка бўлган қизиқишини эса қўлаб-қувватлашди.

"Йигитларнинг марди, юрагида ўти бори асқар бўлади. Лекин унутма, ҳарбийлик айримлар ўйлагани каби осон иш эмас. Ҳарбий бўлмоқликни истаган ҳар бир йигит унутмасинки, ортида Ватани, халқи турибди. Шунинг учун унга бирор масалада адашиш, дангасалик ёт бўлмоғи лозим".

Исमतнинг МАТБдаги ўн йиллик фаолияти давомида отасининг бу сўзлари бир зум ҳам эсидан чиққани йўқ. Аксинча, у зиммасидаги вазифа масъулиятини янада чуқурроқ ҳис қилишни, ўз устида ишлашни ўрганди. Шунинг учун ҳам у постида доимо сержак. 2-авария тиклаш ишлари маркази бошлигининг таъминот ишлари бўйича ёрдамчиси сифатида ҳар бир ишни ўз вақтида адо этади, ҳаммаша зиммасидаги топшириқни тўлақонли бажаришга ҳаракат қилади.

— Республикамиз ҳукумати, раҳбарларимиз биз учун ҳамма шароитни яратиб бераётган экан, бунга фидокорона хизматимиз билан жавоб беришимиз, янги техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришимиз лозим, — дейди Исмат РАМАЗОНОВ. — Элнинг бизга бўлган ишончини оқламоқ бурчимиздир.

ҲАЁТИМИЗ ТИНЧ

Элёр — ҳарбий шифокор

Агар оддий шифокор фақат беморини тузатишни ўйласа, ҳарбий шифокор зиммасида икки карра масъулият туради. Унинг бемори Ватан қалқони, тезда тузалиб оёққа турмоғи шарт. Шунинг учун ҳам у ўта билимли, топқир бўлмоғи лозим.

Тошкент тиббиёт академиясининг тўртинчи босқичида таълим олаётган Элёр МАКСИМОВ 2007 йилнинг май ойида имтиҳон топшириш орқали ҳарбий кафедрада ўқишини давом эттира бошлаганида устозлари ана шуларни қайта-қайта уқтиришарди. Шунинг учун ҳам Элёр академияда яхши билим олишга интилди ва талабаларнинг олдинги сафида бўлди. Бир ойлик ҳарбий дала машғулотларини Тошкент вилоятидаги 16707-ҳарбий қисмда ўтаган Элёр 2009 йилнинг 16 августида ҳарбий қасамёд қабул қилди ва бу кун унинг ҳаётида умрбод эсидан чиқмайдиган сана бўлиб қолди.

— 2012 йилдан бери МАТБда Тиббиёт маскани бошлиғи вазифасида фаолият юритяпман, — дейди катта лейтенант Элёр Максимов биз билан суҳбатда. — Масканимизда ҳарбийларни тиббий кўриқдан ўтказиш, даволаш учун барча имкониятлар бор. Тиббий жиҳозларнинг энг замонавийлари билан таъминланганмиз. Устозларим айтганидай, зиммамиздаги вазифа ўта масъулиятли. Ҳарбийларимиз соғ бўлишса, уларнинг кайфияти ҳам яхши бўлади, хизмат вазифаларини тўлиқ адо этишларига имкон яратилади. Мен касбим билан, Ватан ҳимоячиларига хизмат қилиш орқали юрт мудофасига ҳиссам қўшилаётгани билан фахрланаман.



Маҳоратли Элзара

Бошқарма (15361-қисм)нинг кўп кишилиқ жамоаси тиббиёт маскани фелдшер сержант Элзара ПАРДАЕВА номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади. Элзара бунга ўзидаги билим, тажриба ва хушхулқлик орқали сазовор бўлган. Элзара Эргашевна ўз ишини севади, касбига оид янгиликлардан хабардор бўлиб боради, асқар ва офицерларни муолажа қилиш жараёнида даволашдаги янги услублардан унумли фойдаланади. Шунинг учун ҳам унинг муолажаларидан сўнг ҳарбийлар тезда оёққа туриб, сафга қайтишади. Уларнинг миннатдорлик сўзлари Элзарага куч бағишлайди.

— Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида таваллуд топдим, — дейди Элзара Пардаева биз билан суҳбатда. — 1987 йили ўрта мактабни тугатиб, Бухоро шаҳридаги тиббиёт билим юртига ўқишга кирдим. Мақсадим шифокорларга яқин кўмакчи бўлиб, беморлар муолажасида иштирок этиш эди.

1990 йили ўқишимни тугатиб, Самарқанд вилоятидаги ҳарбий госпиталда тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлаш бошладим. Бу ердаги ҳарбийларга хос ҳаёт тарзи, қатъий тартиб-интизом менга ёқиб қолди. Ва шу йўлдан кетишга қарор қилдим.

Элзаранинг МАТБда фаолият юритаётганига 13 йил бўлди. Бу давр мобайнида у ҳарбийларнинг қадрдон кишисига айланди. Кимгадир опа, кимгадир сингил бўлиб, ҳарбийларнинг соғ-саломат юришларига яқиндан кўмак берапти. Шу орқали Ватанимиз мудофаа қудратининг ортишига ўз ҳиссасини қўшапти.

Имкониятлардан фойдаланиб




Сўнги русумдаги замонавий қурилма — техник антенналар ишини билим ва масъулият, ўта моҳирлик билан назорат қилаётган суратдаги бу йигит Аслиддин АШУРОВДИР. У зиммасига юклатилган вазифа қанчалар муҳим эканлигини, мобил алоқа сифати унинг удабуронлигига боғлиқлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам у ўқиш ва изланишдан чарчамайди. Ахборот технологиялари соҳасидаги барча янгиликлардан хабардор бўлиб боришга интилади.

— Бунинг учун бошқармаимизда барча имконият старли, — дейди Аслиддин. — Бой китоб фондига эга кутубхона ихтиёримизга бериб қўйилган. Компютерларимиз интернет тармоғига уланган бўлиб, исталган маълумотлардан фойдаланишимиз мумкин. Айниқса, алоқа воситаларига оид янгиликлардан доимий равишда хабардор бўлиб борапмиз. Бу ишимизда сифатни таъминлаётимиз.

Кўшсаҳифани Муборак МИРКАМОЛОВА тайёрлади

На Едином портале создана возможность для предпринимателей принимать непосредственное участие в формировании регуляторной среды путем открытого обсуждения разрабатываемых и принятых нормативно-правовых актов на специально созданной площадке.



Обсуждение

нормативно-правовых актов на Едином портале

Как показывает мировой опыт, регулярное участие представителей бизнеса в подготовке предложений по изменению действующего законодательства или доработке подготовленных проектов нормативных правовых актов, обсуждению ключевых проблем предпринимательской деятельности и выработке вариантов их разрешения обеспечивает сокращение бюрократических барьеров и повышение эффективности бизнеса и в конечном итоге улучшает деловую среду.

Проект разработан во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 7

апреля 2014 года "О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию инвестиционного климата и деловой среды в Республике Узбекистан".

Площадка предоставляет возможность получения обратной связи, изучения общественного мнения и создания положительного имиджа государственного органа.

Приглашаем представителей бизнеса к участию в обсуждении.

Подробности по ссылке:

http://www.egovernment.uz/ru/press_center/news/obsuzhdenie-normativno-pravovykh-aktov-na-edinom-portale/



Реализованы

две интерактивные услуги от Таможенного комитета

На Едином портале реализованы две новые услуги от Государственного таможенного комитета: "Подача электронной заявки на получение разрешения на временный ввоз (вывоз) товаров" и "Подача электронной заявки на получение разрешения на помещение товаров под таможенный режим реэкспорта".

Руководители юридических лиц и частные предприниматели, имеющие право осуществлять экспортно-импортные операции (экспортеры/импортеры) и зарегистрированные на Едином портале с использованием ключей ЭЦП, могут получить разрешения на временный ввоз (вывоз) товаров и на помещение товаров под таможенный режим реэкспорта путем заполнения соответствующей онлайн заявки с прикреплением необходимых документов, сообщает информационная служба Единого портала.

Услуга реализована во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан от 15 апреля 2014 г. "О мерах по дальнейшему совершенствованию процедур, связанных с осуществлением предпринимательской деятельности и предоставлением государственных услуг".

Зона UZ

в 2014 году выросла на 11%

Количество доменных имен в национальной зоне UZ по итогам 2014 года составило 19186, увеличившись за 12 месяцев на 11%.

По данным статистики Администрации доменной зоны UZ за период прошлого года было зарегистрировано 7300 доменов и удалено более 5400, прирост составил порядка 1900 доменов.

Лучшим месяцем по количеству регистраций в прошлом году (и за все время ведения статистики) стал декабрь — в этот месяц было зарегистрировано 708 доменов.

44% всех доменных имен зарегистрировано физическими лицами и 56% — юридическими. 85% доменов числятся за резидентами Узбекистана.

Из общего количества зарегистрированных доменов на хостинге прописано 13,7 тысячи. Свыше 8500 доменов (менее 45%) имеют хостинг в Узбекистане.

Администратором национального домена, созданного 29 апреля 1995 года, является Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM.

В 2012 году доменная зона UZ увеличилась на 17,7%, в 2011 году — на 21,1%, в 2010 году — на 16,1%, в 2009 году — 26%, в 2008 году — 32%. Самый большой рост был зафиксирован в 2007 году — 60%.

ictnews.uz

Все налоговые отчеты

будут сдаваться только в электронном виде

Указами Президента "О дополнительных мерах по формированию максимально благоприятной среды для дальнейшего развития малого бизнеса и частного предпринимательства" от 24.08.2011 г. и "О мерах по кардинальному сокращению статистической, налоговой, финансовой отчетности, лицензируемых видов деятельности и разрешительных процедур" от 16.07.2012 г. был предусмотрен поэтапный перевод до конца 2014 года всех субъектов предпринимательства на электронную систему сдачи налоговой и финансовой отчетности.

Законом от 4 декабря 2014 года внесены изменения в статью 45 Налогового кодекса, касающиеся способа представления налоговой отчетности.

На протяжении этих лет все налогоплательщики смогли оценить преимущества такой сдачи отчетов: экономия времени, которое раньше уходило на "проставление" в очередях в отчетный период, возможность отправлять отчеты в любое время суток и даже в выходные дни, не выходя из офиса или дома, и многие другие.

И, если раньше предприятия сами определяли, как им удобнее сдавать отчеты — самим приходить в ГНИ и приносить отчеты, отправлять по почте заказным письмом или в электронном виде по интернету, то с 1 января 2015 года Налоговым кодексом предусматривается сдача отчетности только в виде электронного документа через интернет.



Новое оформление портала Ziyonet

Первая новость 2015 года: изменилось оформление главной страницы портала образовательной сети Ziyonet.

Разноцветные панели с информацией — тренд сайтостроения последних лет, понятны и удобны для ориентирования в большом количестве разделов. Каждый раздел снабжен мнемонической пиктограммой. Минимализм в оформлении (размытый неотвлекающий фон, отсутствие скруглений, рамок и теней блоков) позволяет сосредоточиться на информации.

Опять же скромность оформления компенсируется разными цветами блоков, что делает страницу визуально нескучной, это важно для молодежи. Но и не слишком пестрой, что вызвало бы утомление при частом посещении.

Ниже окошка регистрации показан анонс других ресурсов Сети Ziyonet. Информация, как и ранее, представлена на узбекском языке латиницей и кириллицей, и на русском языке. Регистрация и авторизация, напоминаем, через ID.UZ.

Афоризмы

За каплей каплю накопи,
текут потоки рек.
По крохам знания копа,
мудреет человек.

Алишер НАВОЙ

Зарегистрирована программа "AVTOTEST"

Агентством по интеллектуальной собственности Узбекистана зарегистрирована программа для учащихся автошкол "AVTOTEST"

Специалисты из ООО "AVTOTEST REPORT" разработали программу, предназначенную как для учащихся автошкол, так и для широких слоев населения в целях эффективного изучения Правил дорож-

ного движения (ПДД), а также для подготовки к экзаменам на получение водительского удостоверения с помощью тренировочных и экзаменационных тестов, аналогичных действующим экзаменационным тестам ГУБДД РУз.

Она также может стать пособием для преподавателей ПДД, отличающимся удобным интерфейсом.

Хабар + TV

ДУШАНБА — 12 ЯНВАР

5.55 Кӯрсатувалар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 Миллий сериал: "Чемпионлик орусаси".
7.30 "Дамин гаройиботлари". Х/ф.
8.00 "Тахлинома".
8.40 "Африка табиати". Х/ф.
9.30 "Бизнес старт".
9.45 "Муржазилар макони".
10.20 "Ҷузуднон". Т/с.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ватанпарвар".
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
13.00 "Комиссар Рекс". Т/с.
13.50 "Табият китоби".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳилолат сари".
14.45 Миллий сериал: "Сардор".
15.25 "Ер сайрағи". Х/ф.
15.50 "Заковат".
16.30 "Япон боғи".
17.00 "Ахборот".
17.30 "Субботалоқ".
17.20 "Агроолам".
17.40 "Корачик".
18.00 "Кунгад кушкч истайди".
18.10 "Иқлим".
18.20 "Иқнокият".
18.40 "Доктор Хаёв". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 Миллий сериал: "Опа-синдиллар". 2-Фасл.
21.40 Ватан ҳимоячилари кунига. Муносабат.
22.20 "Кунгад кушкч истайди".
23.30 - 00.15 "Орулар изтирофи".
Б/ф.
00.15 "Иқлим".
00.20 Миллий сериал: "Опа-синдиллар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Сардор".
2.10 "Агроолам".
2.25 ТелеГейт. Коматингдан турғали. 1-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орусаси".
5.10 - 5.55 "Ватанпарвар".

2.30 "Ош бўлсин".
2.00 "Афсона ва ҳақиқат".
2.50 "Тараним".
3.40 "Қанизак Изгура". Т/с.
4.20 "Биз кимиз?".
4.40 "Доктор Қуни". Т/с.
5.30 "Давр".

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним".
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 2.00.
"Роутат".
6.25 Миллий сериал: "Ҳаёт жилайлари". 1-қисм.
7.00 "Тошкент вақти".
7.50 "Сурталларда ҳаёт акси".
7.55 "Пойтахт шаҳарлар".
8.20 "Ишга марҳамат".
8.25 "Тошкент тароналари".
8.35 "Пойтахт-эко".
8.45 "Мисли гавҳар".
9.05 "Ҳил Мария". Т/с. 20-қисм.
9.50 "Роутат-спорт".
10.00, 14.00, 22.00. "Пойтахт".
10.20 "Эртангиб в стиле кунг-фу".
С/ф.
11.40 "Эртангиб эгалари".
12.10 "Пешери". Д/ф.
13.00 "Тошкент вақти".
13.50 "Роутат-географ".
14.10 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
14.40 "Ҳолис назар".
15.00 "Роутат-biznes".
15.10 "Утай она". Т/с. 115-қисм.
16.10 "Телепорт". Б/ф.
17.30 Ватан ҳимоячилари кунига: "Ҳаёт мактаби".
18.25 "Ҳимов".
18.35 "Роутат-intervyu".
18.45 "Ҳил Мария". Т/с.
19.30 "Тошкент тароналари".
19.40 "Теле-маркет".
19.50 "Сурталларда ҳаёт акси".
19.55 "Навоий маҳали".
20.00 "Роутатki news".
20.25 "Утай она". Т/с.
21.15 "Пойтахт йўлларида".
21.35 "Роутат-эко".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Пик Девит". Х/ф.
23.80 "Роутат-biznes".
00.05 "Шаг за шагом".
00.35 "Пойтахт йўлларида".
1.00 "Роутат-эко".
1.10 "Пешери". Д/ф.
1.20 "Елгончилар". Б/ф.
1.35 "Фан ва тарҳқойи".
4.00 "Тошкент вақти".
4.50 "Дунё телеустули".
5.40 "Эртангиб эгалари".

04.00 "Доброе утро".
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 02.00
Новости.
07.05 "Полное чучус".
08.00 "Контрольная закупка".
08.35 "Жить здорово".
09.35 "Модный приговор".
10.30 "Озвезд".
11.15-20.30 Т/с "Палач".
13.05 "Смак".
13.40, 14.15 "Сегодня вечером".
15.15, 03.00 "Мужское / Женское".
16.10, 02.15 "Наедине со всеми".
18.00, 01.10, 02.05 "Давай поженимся".
19.00 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
22.15 Ночные новости.
22.30 "Англия в общем и в частности".
23.25 Х/ф "Любовь с препятствиями".

5.05 "Утро России".
9.00, 02.40 "Загадки цивилизации. Русская версия".
09.55 Ток-шоу "О самом главном".
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Таинсы следствия".
12.55 "Собеседья случая".
14.00 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Сердце звезды".
16.00 Т/с "Последний январь".
17.30 Т/с "Безымянные ростовенники".
18.30 Прямой эфир.
20.35 "Спокойной ночи, малыши!".
20.45 Т/с "Верю не верю".
23.30 "Дуэльный по стране".
Михаил Жванецкий.
00.30 Х/ф "Цыган".
03.40 "Комната смеха".

05.00 НТВ утром.
07.30 Девятый.
08.25, 09.30 Т/с "Возвращение Мухомора".
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
10.55 Девятый.
12.25 Суд присяжных. Окончательный вердикт.
13.30 Чрезвычайное происшествие.
14.30 Прокрустовская проверка.
15.20 Т/с "Улыбка разбитых фонарей".
17.00 Говорим и показываем.
18.45 Т/с "Паутина".

22.40 Хочу к Меладзе.
00.35 Точка невозврата.
01.35 Россия. Полное затмение.
02.35 Т/с "Шериф".
04.10 Т/с "Супруги".

РОССИЯ К

07.00 Телеканал "Евроньюс".
10.00, 15.00, 19.00, 23.30 Новости культуры.
10.15 "Наблюдатель".
11.15 Т/с "Расследование комиссара Мегрэ".
12.10 Линия жизни.
13.05, 02.35 Д/ф "Синдвейский оперный театр. Экспедиция в неизвестное".
13.20 Х/ф "Пять вечеров".
15.10 "Михаил Лермонтов. Таинственная повесть".
15.40 Д/ф "Повелитель гироколопов" Александр Ишлинский".
16.20 Д/ф "Укрощение коня. Петр Клоуз".
17.00 Дмитрий Корчак. Русские народные песни.
17.55 Д/ф "Тимали. Горная дорога в Дардклифф. Путешествие в облака".
18.10 "Полиглот" Португальский с нуля за 16 часов! N1.
19.15 Главная роль.
20.30 "Сати. Несучая классика".
20.10 "Правила жизни".
20.40 "Спокойной ночи, малыши!".
20.50 Острова.
21.30 "Тем временем".
22.15 Д/с "Сквозь кротовую нору с Морганом Фрименом".
23.00 Д/ф "Холостяк. История мелодрамы".
23.30 "Кинескоп".
00.30 Д/ф "Андрей Герасимов. Диалог с самим собой".

СТС

04.00 Музыксерал.
06.00 22.00 23.30 "6 кадров".
07.30 "Нереальная история".
Сатирический альманах.
08.30 Шоу "Уральских пельменей".
Снегоды. Часть 2.
10.00 "Воронины".
12.00 "Привидение" Мистическая мелодрама.
14.30 "Воронины".
16.00 "Последний из Магикян".
17.00 "Ангелика" Комедийный сериал.
18.30 "Кузкин".
19.00 "Стрелок" Боевик.
21.25 "Нереальная история".
Сатирический альманах.
22.30 "Кино в деталях с Федором Бондарчуком".
23.45 "Земля мертвых" Фильм ужасов.

ТВЗ

06.00 М/ф.
09.30 Д/ф "Пророки научной фантастики".
13.30 Д/ф "Городские легенды. Кавказинград. Телепортация в неизвестность".
14.00, 14.30 Д/ф "Охотники за привидениями".
15.00 "Мистические истории".
16.00, 16.30 Д/ф "Тайна".
17.00, 17.30 Т/с "Слепыя".
18.00, 01.15 "X-Версии. Другие новости".
18.30 Т/с "Палач стража".
19.30, 20.20 Т/с "Следствие по делу".
21.15, 22.05 Т/с "Менгалин".
23.00 Х/ф "На крючке".
01.45 Х/ф "Девушка из воды".
04.00 Х/ф "Группа "Ранзельс".

SPORT

6.00 "Ватан мекри".
7.00 "Тараним".
7.10 "Қанизак Изгура". Т/с.
7.50 "Бизик навалари".
8.10 "Испан афросони". Т/с.
9.30 "Сув остига савҳат".
9.50 "U2EX".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Сардор-3". Т/с.
11.00 "Ешлар тарбиясида мақдонида урин".
11.30 "Муржазилар дунё".
12.10 "Салтанат сирлари". Т/с.
12.30 "Давр".
13.10 "Доктор Қуни". Т/с.
14.00 "Қўзумчюк".
14.30 "Ватан ҳимоячилари".
14.40 "Биз кимиз?".
14.55 "Афсона ва ҳақиқат".
15.50 "U2EX".
16.00 "Давр".
16.10 "Абсуғунар". Т/с.
17.00 "Қамолот-инфо".
17.10 "Юрт келагани".
17.30 "Айтмасан ҳам биламан". Б/ф. 1-қисм.
18.00 "U2EX".
18.00 "Давр".
19.30 "Қизи сонатаси". Т/с.
20.20 "Убек адабиёти".
20.50 "Еллик йиллари".
21.10 "Салтанат сирлари". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Янги дунё". Т/с.
23.20 "Ўзбекистон дунё".
00.10 "Шарқ гавҳари".

РОССИЯ 1

05.00 "Утро России".
9.00, 02.40 "Загадки цивилизации. Русская версия".
09.55 Ток-шоу "О самом главном".
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Таинсы следствия".
12.55 "Собеседья случая".
14.00 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Сердце звезды".
16.00 Т/с "Последний январь".
17.30 Т/с "Безымянные ростовенники".
18.30 Прямой эфир.
20.35 "Спокойной ночи, малыши!".
20.45 Т/с "Верю не верю".
23.30 "Дуэльный по стране".
Михаил Жванецкий.
00.30 Х/ф "Цыган".
03.40 "Комната смеха".

НТВ

05.00 НТВ утром.
07.30 Девятый.
08.25, 09.30 Т/с "Возвращение Мухомора".
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
10.55 Девятый.
12.25 Суд присяжных. Окончательный вердикт.
13.30 Чрезвычайное происшествие.
14.30 Прокрустовская проверка.
15.20 Т/с "Улыбка разбитых фонарей".
17.00 Говорим и показываем.
18.45 Т/с "Паутина".

ОУБАДОТ

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Чемпионлик ордони".
7.30 "Замин гаройиботлари", Х/ф.
8.00 "Ахборот".
8.35 "Африка табияти", Х/ф.
9.25 "Сўхбатдош".
9.35 "Иқлим".
9.40 "Опил суд".
10.20 "Рухидор", Т/с.
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опанонглар".
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.05 "Комиссар Рекс", Т/с.
13.50 Табиат котиби".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Менинг болам".
14.35 Миллий сериал: "Сардор".
15.15 "Инқилоб".
15.35 "Ер сайёраси", Х/ф.
16.00 "Технок мбарлар".
16.10 "Устурбо".
16.30 "Ахборот", инглиз/у.
16.40 "Қорачик".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Феуеикор нақшлар".
17.40 2015 йил - "Жасадлари эълондан йилга", "Эхо".
18.00 "Кўнгли кўнлик истайлди".
18.10 "Электр нури", Х/ф. Премьера.
18.40 "Доктор Хаус", Т/с.
19.25, 20.00, 20.55Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 Миллий сериал: "Опанонглар".
21.40 - 23.40 Ватан ҳимочилари кунига бағишланган байрам дастури.
23.40 "Эхо".
00.00 "Устурбо".
00.20 Миллий сериал: "Опанонглар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Сардор".
1.30 "Шарк тароналари".
2.25 ТелеТест: "Комитдан ўргатилди", 2-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик ордони".
5.10 "Менинг болам".
5.30 - 5.55 "Феуеикор нақшлар".



- 6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Тариниум".
7.00 "Қанзақ Иззура", Т/с.
7.50 "Ешик наволари".
8.10 "Непан афсонаси", Т/с.
9.20 "Қиллоқдаги тенгдонлар".
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Сардор-3", Т/с.
11.00 "Мардлар мактаби".
11.20 "Мўъжизий дунё".
12.00 "Салтанат сирлари", Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Доктор Қуни", Т/с.
14.00 "Ватанпарвар".
14.40 "Биз кимиз?".
15.00 "Афсона ва ҳақиқат".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Ахборот", Т/с.
17.00 "Ватан ҳимочилари".
17.10 "Юрт келажиги".
17.30 "Айтсанг ҳам биланг", Б/ф.
2-қисм.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Қуш сонияси", Т/с.
20.20 "Ўзбек адабиёти".
20.50 "Ешик наволари".

- 21.10 "Салтанат сирлари", Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Янги дунё", Т/с.
23.20 "Мўъжизий дунё".
00.10 "Шарк гавҳари".
00.50 "Қўлағоч".
1.20 "Навоийга талқим".
2.00 "Афсона ва ҳақиқат".
2.50 "Тариниум".
3.40 "Қанзақ Иззура", Т/с.
4.20 "Биз кимиз?".
4.40 "Доктор Қуни", Т/с.
5.30 "00.00 "Давр".


СЕРИАНТ

- 5.55 "Ўғонсан, мукдадас Ватаним!"
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Роухат".
6.25 Миллий сериал: "Ҳаёт адолатлари", 2-қисм.
7.00 "Тошкент вақти".
7.50 "Суратларда ҳаёт акси".
7.55 "Пойтахт шаҳарлар".
8.20 "Ишга марҳамат!".
8.25 Тошкент тароналари.
8.35 "Роухат-еко".
8.45 "Профессионал".
9.00 "Лус Мария", Т/с. 21-қисм.
9.50 "Роухат-спорт".
10.00 "Роухат news".
10.20 "Сказки на ночь", Х/ф.
12.10 "Ледање мири", Д/ф.
13.00 "Тошкент вақти".
13.50 "Роухат-intervyu".
14.00, 22.00 "Пойтахт" /рус тилида/
14.10 "Эртаним эгалари".
14.30 "Қўнлик ҳайратлари".
14.50 "Роухат-biznes".
15.10 "Ўғай она", Т/с. 116-қисм.
16.10 "Синдрелланга оқиш", Б/ф.
17.45 "Қадр ортиси".
18.25 Ватан ҳимочилари кунига: "Тошкентнинг илм масканлари".
18.45 "Лус Мария", Т/с. Премьера/
22-қисм.
19.30 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
19.50 "Суратларда ҳаёт акси".
19.55 "Навоий махсани".
20.25 "Ўғай она", Т/с. /Премьера/
117-қисм.
21.15 "Телегаҳиди".
21.35 "Роухат-madaniyat".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Белле", Х/ф.
00.03 "Профессионал".
00.30 "Динбанди" тележурнали.
1.00 "Роухат-madaniyat".
1.10 "Ледање мири", Д/ф.
2.20 "Телепорт", Б/ф.
3.40 "Телегаҳиди".
4.00 "Тошкент вақти".
4.50 "Дунё" теледастур.
5.40 "Обод хонадон".

SPORT

- 6.00 "Хайри тонг".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
7.10 Биглдо. Жапон кубоги.
7.00 "SPORT-EXPRESS".
8.00 ХАВАРЛАР.
8.10 "Sport Mesto".
8.15 ФУТБОЛ. ОСИЕ КУБОГИ.
НОРДАНДИЯ - ИРОҚ.
9.55 "Қорақалпоқ спорти".
10.10 Профессионал бокс.
11.00 "SPORT REPORT".
11.10 Чания пойгаи. Жапон кубоги.
11.50 АНОНС.
11.55 ФУТБОЛ. ОСИЕ КУБОГИ.
КУВАЙТ - ЖИ КОРЕЯ ТУРНИРИ.
ТАНЖА-ТУРГИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
13.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.55 ФУТБОЛ. ОСИЕ КУБОГИ.
УММОН - АВСТРАЛИЯ.
ТУРРИДАН- ТУРРИ ОЛИБ

- КЎРСАТИЛАДИ. Танаффузда
ХАВАРЛАР.
15.50 АНОНС.
15.55 "Футбол шарҳи".
16.45 АНОНС.
16.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Спорт сайёраси".
18.15 "Техно-спорт".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАВАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 "Ифтихоримсан, спорт!".
19.10 АНОНС.
19.15 "Rekord.uz".
20.45 АНОНС.
20.50 "RING".
21.25 "SPORT- MARKET".
21.30 ХАВАРЛАР.
21.50 "Sport Mesto".
21.55 ФУТБОЛ. ОСИЕ КУБОГИ.
КУВАЙТ - ЖИ КОРЕЯ.
23.35 "Техно-спорт".
23.45 АНОНС.
23.50 "SPORT REPORT".
00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАВАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Қонқидо югуриш. Европа чемпионати.
2.55 АНОНС.
3.00 Жапон кубокларида: Тошкентчи.
Чания пойгаи.
4.50 АНОНС.
4.55 - 6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.



- 04.00 "Доброє утро"
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 02.00
Новости
07.05, 19.00 "Пусть говорят"
08.10 "Контрольная закупка"
08.35 "Жить здорово!"
09.35 "Молный приговор"
10.30 "Фабрика"
11.15, 20.30 Т/с "Палач"
13.05 "Смех"
13.40, 14.15 "Сегодня вечером"
15.05, 02.40 "Мужское / Женское"
16.10, 01.50, 02.05 "Наедине со всеми"
18.00, 00.55 "Двадцать лет и тридцать"
20.00 "Время"
22.15 Ночные новости
22.30 "Старый Новый год на Первом"

РОССИЯ 1

- 05.00 "Утро России".
09.00, 04.05 "Загадки цивилизации. Русская версия".
09.55 Тоқ-шоу. "О самом главном".
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайны следствия".
12.55 "Особое мнение".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Сердце звезды".
16.00 Т/с "Последний иньчар".
17.30 Т/с "Белые роостенники".
18.30 "Прямой эфир".
20.35 "Спокойной ночи, малыши!".
20.45 Т/с "Верю не верю".
23.30 "НЕГОЛУБОЙ ОГОНЕК - 2015".
01.55 Х/ф "Чытаг".

НТВ

- 05.00 НТВ утром
07.30 Дело врачей
08.25, 09.30 Т/с "Возвращение Мухомора"
ства. BELLATOR
04.55 "Человек мира". Сингапур
05.50 Кубок мира по бобслею и скелетону. Трансляция из Германии
07.05 Профессиональный бокс. Руслан Проводников (Россия) против Хосе-Луиса Кастильо (Мексика)

Шаббат

09.00 Панорама дня. LIVE
10.30 "Дакар-2015"
11.00 "Моя рыбалка"
11.25 "Язь против елм"
11.55 X/ф "Летучий отряд. В тихом омуте"
13.40, 19.00, 01.30 Большой спорт
14.05 X/ф "Неваляшка"
15.50 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
16.20 Биатлон. Кубок мира. Масс-старт. Женщины. Прямая трансляция из Германии
17.15 X/ф "Неваляшка 2"
19.30 Биатлон. Кубок мира. Масс-старт. Мужчины. Прямая трансляция из Германии
20.25 X/ф "Викинг-2"
23.50 Биатлон. Кубок мира. Трансляция из Германии
01.50 Баскетбол. Единая лига ВТБ. "Байзоне" (Финляндия) - ЦСКА (Россия)
03.35 "ЕХперименты". Научная кухня
04.05 "ЕХперименты". На колесах
04.30 "Человек мира". Сингапур
05.25 "За кадром". Вьетнам. Деревья долгожителей
06.20 Кубок мира по бобслею и скелетону. Трансляция из Германии
07.15 X/ф "Сын ворона. Добыча"

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Табриклик.уз!

"Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали жамоаси Бағдод ТВ ходими **Икромжон БОЛТАБОВНИ** 50 ёши билан табриклиди. Унга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлар камолини кўришни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фаргона филиали жамоаси Данғара ПАТ ходими **Нурматжон РУСТАМОВНИ** муборак 60 ёши, Яйпан ва Қўқон ПАТ ходимлари **Султонмахмуд МАДАМИНОВ** ҳамда **Мамлакатхон МАРАДЖАПОВНИ** 50 ёши билан табриклиди. Уларга соғ-омонлик, узок умр, фарзандлар роҳатини кўришни тилайди.

Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси: ИСТИҚБОЛЛИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

Бухоро вилоятида алоқа соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётганлар сифида шаҳар телекоммуникациялар боғламаси меҳнат жамоаси ҳам бор. Бугунги кунда бу ерда 343 киши фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 159 нафарини аёллар, 110 нафардан ортгани эса 30 ёшгача бўлган навқирон авлод вакиллари ташкил этади.

— Замоनावий алоқа хизмати қамровининг тобора кенгайиб бораётганлиги белгиланган ишлаб чиқариш режа-топшириқларининг ўз вақтида бажарилишида муҳим аҳамият касб этапти, — дейди боғлама бошлиги Ҳалил ТУРДИЕВ.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги аксарият шаҳар ва туманларда бўлганидек, Бухорода ҳам аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларнинг замонавий хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, йирик ва корпоратив мижозларга алоҳида хизматлар туркумини кўрсатишга ҳаракат қилинаётганлиги ижобий натижаларга эришиш имконини бермоқда. Кейинги пайтда шаҳар ТБ томонидан мултисервис хизматларини кўрсатиш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Вилоят бўйича ҳозирги пайтгача умумий сифими 25552 портга эга кенг полосули хизмат кўрсатиш қурилмалари келтирилиб, ишга туширилган бўлса, уларнинг 12416таси айнан Бухоро шаҳрига тўғри келади. Бу ерда, шунингдек, ФТТВ тармоғини кенг йўлга қўйиш бўйича ҳам изчил иш олиб бориляпти. Бугунги кунда шаҳардаги бир қатор аҳоли хонадонларига оптик толали алоқа линияларини олиб кириш бўйича ҳам зарур ишлар бажариляпти. Бундан ташқари, жойларда замонавий ускуналарнинг ўрнатилгани бухоролик мижозлар ва шаҳар меҳмонларига тезкор хизмат турларини тақ-

дим этишда қўл келмоқда.

"Ўзбектелеком" АҚнинг Бухоро филиали томонидан маҳаллий тармоқни NGN технологияси бўйича модернизация қилиш ва ривожлантириш юзасидан белгиланган тегишли чора-тадбирларнинг давр талаблари даражасида ва ўз вақтида бажарилаётганлиги соҳани ривожлантириш ва барқарорлаштиришга ҳам ўз таъсирини ўтказяпти. Хусусан, кейинги бир йил давомида Бухоро шаҳрининг турли ҳудудларида жами 11000 портга эга 14та MSAN қурилмаси ўрнатилганлиги туфайли аҳолига бир қатор замонавий қўшимча хизматлар кўрсатилмоқда. Турли ёшдаги ва касбгаги кишилар бугунги кунда юқори тезликдаги интернет, IPTV, VPN хизматларидан кенг қўламда фойдаланмоқдалар. 2015 йил охиригача эса шаҳар бўйича яна 55та MSAN қурилмасини ўрнатиш кўзда тутилган. Шу тариқа алоқа соҳасига замонавий ахборот технологияларини босқичма-босқич жорий этиш ишлари давом эттирилади. Бу эса, табиийки, боғлама иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига, хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатига, кундалик иш унумдорлигининг ошишига янада ижобий таъсир кўрсатади.

Боғламага қарашли сўзлашув маскани ходимларининг ғайрат-шижоати, ўз ишига сидқидилдан ёндашиши, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши туфайли бу ерда ҳам қувонарли натижалар қўлга киритилган-

лигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда интернет, "ЎзМобайл" ва шаҳар телефон тўловлари амалга ошириляпти. Ўтган йилнинг 11 ойи давомида сўзлашув маскани бўйича жами 591 млн. 464 минг 78 сўмлик даромад олинди. Бу боғламада эришилган умумий даромаднинг 8,6 фоизини ташкил этади.

Шаҳар телекоммуникациялар боғламасида замонавий хизмат турларидан яна бири — ADSL-интернет ва UzMobile терминалини улаш бўйича ишларнинг мижозлар талаб-эҳтиёжига мос тарзда олиб борилаётганлиги ҳам эътиборлидир. Жум-

“

Шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бўйича бир қатор абонентларга имтиёзли хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

”

ладан, бугунги кунда интернет хизматида фойдаланувчи абонентлар сони 8798 нафардан ошиб кетди. Агар 2013 йилнинг 11 ойида айнан шу хизмат бўйича олинган даромад 1 млрд. 422 млн. сўмдан ошган бўлса, 2014 йилнинг шу давридаги кўрсаткич салкам 2 млрд. 517 млн. сўмни ташкил этади. "ЎзМобайл" хизматида уланган абонентлар сони ҳам кейинги бир йилда 828 нафарга ортган.

Шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бўйича бир қатор абонентларга имтиёзли хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, жами 423 нафар киши бу хизматдан баҳраманд. Бундай абонен-

тлар орасида Иккинчи жаҳон ва афғон урушлари иштирокчилари, 1-гуруҳ ноғиронлари, Чернобил АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашган кишилар бор.

Ижтимоий ҳимоя ишлаб чиқаришдаги муаффақиятлар омили эканлиги яхши маълум. Ягона жамоа шартномасига биноан соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш ишлари Бухоро ШТБда ҳам самарали йўлга қўйилган. Ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Соғлигини тикламоқчи бўлган ходимларга "Ботаника", "Чинобод", "Оқтош", "Ситораи Моҳи Хоса" сингари сихаттоҳларга йўланмалар берилаётган бўлса, соҳа ходимларининг фарзандлари ҳар ёз фаслида "Ёш алоқачи" оромгоҳида мазмунли дам олишяпти. Хуллас, боғлама ходимларининг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар бор.

Ҳар доим бўлганидек, келгусида ҳам алоқа соҳасининг пешқадам вакиллари қатори Бухоро ШТБ меҳнат аҳлини эзгу режалар, орзу-умидлар қутиб турибди. Белгиланган истиқболли вазифаларнинг давр талаблари даражасида бажарилиши учун эса ҳамма асослар бор. Бу, биринчи навбатда, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва ҳамюртларимиз ғайрат-шижоатининг бардавомлигидир. Ана шу кўтаринки руҳ 2015 йилда ҳам барча алоқачиларга ҳамроҳ бўлсин.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Ўзбекистон – Хитой:

Дўстлик ва билимлар кўприги

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро шериклик муносабатлари сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, таълим ва бошқа соҳаларда рағбат топиб бормоқда.

TATU ҳамда "HUAWEI Tech. Investment Tashkent" компанияси ҳамкорлик шартномаси имзолаганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Жумладан, иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида Huawei компанияси грантлар таъсис этади. Ўздан ортиқ талабалар орасидан Huawei компанияси вакиллари сўхбатидан муваффақиятли ўтган ўн нафар талаба Хитойда бўлиб ўтадиган "Seeds for the future" семинар-тренингда қатнашишга йўланма олишди. Ушбу семинар-тренинг 17 кун давом этади. Дастлабки етти кун давомида талабалар Хитойнинг Пекин шаҳрида ва қолган ўн кун Шэньчжэнда билим олдилар.

Пекин шаҳрида "Seeds for the future" семинар-тренингнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳафта давомида талабалар машҳур тарихий обидалар: Буюк Хитой девори, Ёзги Сарой, Таққиланган шаҳар ва Тянамэн майдони каби диққатга сазовор жойларни томоша қилишди. Шу билан бирга, улар хитой маданияти ва тилини ўргандилар. Барча дарслар инглиз тилида олиб борилди. Машгулотлар сўнггида талабаларнинг олган билимларини текшириш мақсадида тест



ўтказилди ва билим даражасига қараб уларга сертификатлар берилди.

Шэньчжэнда бўлиб ўтган ўн кунлик машгулотларда замонавий технологиялар ютуқлари, 3G, 4G алоқа тизимлари, Cloud Computing, мобил интернет, сигнал узатиш талаблари, интеллектуал тармоқ бўйича билим олдилар. Малакали ўқитучилар маъруза ҳамда лаборатория машгулотларини олиб боришди. Дарсларни тугатгач, тест сновларини ижобий натижаларга топширишди.

Шунингдек, ёшлар Huawei компанияси кўргазмаларида иштирок этиб, замонавий телекоммуникация технологиялари, уларнинг

ишлаш тамойиллари ва хусусиятлари билан яқиндан танишишди ва компаниянинг бугунги кунда мазкур соҳада етакчилардан бири эканлигига гувоҳ бўлишди.

"Seeds for the future" семинар-тренингнинг ёпилиш маросимига Huawei компанияси вакили келиб, талабаларга сертификатлар топширди.

Шэньчжэн шаҳри маданияти билан танишиш борасида "Mirror of the World" боғи, "Chinese folk cultural village" маданий ҳордиқ чиқариш масканларига ташриф ва Гинч океани соҳилларига сайр ўзгача таассурот қолдирди.

Талабаларнинг қизиқиши, билими ва савиясини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур семинар-тренинг учун биз талабалар Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Huawei компанияси ва TATU раҳбариятига чукур миннатдорлик билдираемиз. Келажакда ушбу ҳамкорлик янада мустақамлаштиришга тилакдошимиз.

Д.ИБРОҲИМОВА, Т.ШАРАФУТДИНОВ,
А.ДУРСУНОВ, М.ПАНТИЛЕЙКИНА,
М.ПҮЛАТОВ, М.ОСМАНОВ,
А.ЖҲҲАБОВ, Н.АҲМЕДОВА,
Д.АРИПОВА, М.БОБОЖОНОВ,
TATU талабалари

1996 йили "Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси телекоммуникация алоқаси базаси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ташкил этилган эди.

Ўзбекистон томонидан "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, Индонезия томонидан "Баكري Коммуникешн Корпорейшн" компаниялари акциядорлар ҳисобланади. Ўзбекистон томонидан қўшма корхона устав фонди таркибига юқорида кўрсатилган тўрт вилоятдаги телекоммуникация воситалари, бино ва турли воситалар киритилган.

2002 йили қўшма корхонада қайта тузиш ишлари амалга оширилди.

Жиззах, Самарқанд, Қарши, Термиз шаҳарларидаги телекоммуникация тармоқлари ҳамда бинолар масъулияти чекланган жамиятга айлантирилган қўшма корхона тузилмасига киритилди.

Қўшма корхона таркибиде тўртта филиал иш юритади. Бош офис Самарқанд шаҳрида жойлашган.

2015 йил 28 феврал санасига қадар жисмоний шахслар учун шаҳар телефон тармоғига уланиш бепул амалга ошириляпти.

2014 йили компания савдо борзорларини кенгайтириш ва республикада рақобатбардошлик мақдони мустақамлаш доирасида қуйидаги вазифаларни амалга оширди:

■ кенг полосали уланишни жаддал ривожлантириш;

■ IPTV интерфаол телевидение хизматларини ривожлантириш;

■ янги хизмат турларини ривожлантириш;

■ маҳаллий телекоммуникациялар тармоғига уланиш учун аҳо-

"ЎИ-Жиззах" филиалида 11,092 км. оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Маълумки, 2014 йилнинг 1-3 октябр кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ Бутунжаҳон Туристтик ташкилоти Ижро кенгашининг 99-сессияси ўтказилди. Мазкур нуфузли тadbирни кўнгилли ўтказиш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "БРМ" филиали билан ҳамкорликда 2,82 км. оптик толали алоқа кабеллари ётқизилиб, охириловчи қурилмалар (ODF) ўрнатилди ва Самарқанд шаҳридаги "Регистон Плаза", "Самарқанд Плаза", "Афросиёб", "Эмир Хан" меҳмонхоналари ва "Сиёб" бозори объектларида юқори тезликдаги Wi-Fi ва симли интернет тизими ташкил этилди.

"Ўзбектелеком" АК қурилишлар манзиллий рўйхатига киритил-

"Ўзбектелеком Интернешнл" ҚК: Сифат ва замонавийлик

Лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўшма корхонасининг 2014 йил 2 майдаги ҳамда "Ўзбектелеком" АКнинг 2014 йил 24 мартдаги буйруқлари билан 2014 йилнинг 26 майдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча шoshiлиньч телефон рақамлари халқаро стандартларга асосан ўзгартирилди ва "0" билан бошланувчи рақамлар "10х"га, "0хх" билан бошланувчи рақамлар "10хх"га ўзгартирилди.

2014 йилнинг 24 сентябридан 1 октябрга қадар "Ўзбектелеком Интернешнл" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси филиаллари томонидан рақамлаштиришнинг халқаро стандартига ўтказиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилди, эндиликда шаҳар телефон тармоғидан шаҳарлараро чиқиш "8" ўрнига "0" ва халқаро чиқиш "810" ўрнига "00" орқали амалга оширилади.

"Call Centre" маркази

Ҳозирги кунда "Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси филиаллари абонентлари UZONLINE, UZMOBILE ва IPTV интерактив телевидениеси бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволлар ва муаммолар юзасидан "Ўзбектеле-



"Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси жамоаси

ком" АК "Call Centre" маркази қисқа рақами ("1084")га кўнгирок қилишлари мумкин. Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги абонентлар қисқа рақам териб қуйидаги қўшимча хизмат турларидан фойдаланишлари мумкин:

"1058" — "Ўз ҳисобингизни билдинг" хизмати;

"1004" — "аниқ вақт" хизмати (тест тартибиде);

Колл-центр марказининг қисқа рақамлари ҳафта давомида туну кун фаолият юритади.

"Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси филиаллари алоқа хизматларига абонентларни янада фаолроқ жалб қилиш мақсадида 2014 йилнинг 1 декабр санасидан

нентлар аризаларини тўлақонли қондиришни таъминлаш каби хизмат турлари шулар жумласидандир.

Телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича қатор истиқболли инвестиция лойиҳалари амалга оширилганиги натижасида алоқа инфратузилмаси сезиларли даражада яхшиланди.

2014 йили қурилишлар манзиллий рўйхатига киритилган объектларда 45,78 км. масофага оптик толали алоқа линияларини ётқизиш ва қуриш ишлари якунланди.

Жумладан, "ЎИ-Самарқанд" филиалида 10,632 км., "ЎИ-Қарши" филиалида 16,64 км., "ЎИ-Термиз" филиалида 7,416 км.,

ган республика ҳудудида коллежаларни "Электрон таълим" миллий тармоғига улаш лойиҳаси бўйича Самарқанд автомобилсозлик ҳамда енгил саноат ва иқтисодиёт касб-хуналар коллежларига, Термиз саноат ва транспорт ҳамда ижтимоий ва иқтисодиёт ҚХҚга, Қарши агробизнес ва тadbиркорлик ва Жиззах педагогика касб-хуналар коллежларига 4,595 км. оптик толали алоқа кабеллари хўжалик усулида ётқизилди.

Шу билан биргаликда, филиаллар ҳудудида жойлашган давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотларга ҳам оптик алоқа кабеллари ётқизилди.

Қўшма корхонанинг барча филиаллари учун "Ўзбектелеком" АКнинг "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали ҳамкорлигида "FTTx технологияси бўйича кенг полосали уланиш оптик тармоқларини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида 1200 портга мўлжалланган FTTx қурилмалари олинди.

Ушбу лойиҳа доирасида "ЎИ-Самарқанд" филиалида 144 FTTx портларини монтаж қилиш ишлари якунланди ва бта янги қурилган кўп қаватли уйга юқори тезликдаги кенг полосали хизматлар тақдим этилмоқда.

"Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси фаолиятида 2014 йил 2013 йилги натижалар билан таққослаганда, ютуқлар йили бўлди.

Бу натижалар асосан овозли алоқа хизматлари кўрсатилиши, маълумотлар узатиш бўйича замонавий хизматлар, FTTx, IPTV ва CDMA-450 стандартидаги симсиз радиоалоқа хизматларида яққол кўзга ташланади.

Компания томонидан телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича 2013-2014 йилларда қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилди.

Самарқанд, Жиззах, Термиз ва Қарши шаҳарлари ҳудудида аҳоли,

Алишер ҒАЙБУЛЛАЕВ,

"Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси техник директори:

— 2015 йили "Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонасининг "ЎИ-Самарқанд" ва "ЎИ-Жиззах" филиаллари телекоммуникация тармоғида эксплуатация қилинаётган маънан ва жисмонан эскирган умумий сифими 28 288 портга тенг коммутация қурилмаларини NGN технологияси асосида модернизация қилиш ва кенгайтиришни режалаштирганмиз.

"Ўзбектелеком АК" Бизнесни ривожлантириш маркази филиали билан ҳамкорликда "FTTx технологияси бўйича кенг полосали уланиш оптик тармоқларини ривожлантириш" лойиҳаси асосида аҳоли ва корхоналарга кенг полосали хизматлар татбиқ этилади.

Шу билан бирга, бугунги кунда "ЎИ-Жиззах", "ЎИ-Қарши", "ЎИ-Термиз" филиаллари ҳудудида давлат дастурлари ва топшириқлари асосида муҳандислик коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қайта қуриш ва реконструкция қилиш ишлари филиаллар томонидан амалга оширилмоқда.



давлат тизимлари ва идораларини узлуксиз алоқа, энг замонавий ҳамда сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш "Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонасининг асосий мақсади ҳисобланади.

Барча истеъмолчиларга ушбу хуудларда шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматларини тақдим этиш компания иқтисодий фаолиятининг асосидир. Овозли алоқа ва интернет тармоғига уланиш хизматлари билан бирга, корхона симли ва симсиз технологиялар бўйича маълумотлар узатишга доир бошқа замонавий хизматларни ҳам тақдим этади.

Шу билан бирга, корхона бошқа операторларни улаш, алоқа операторлари ва провайдерларига каналлари ижарага бериш билан шуғулланади.

"Ўзбектелеком

матларига тарифлар бир неча бор қайта кўриб чиқилди.

Компаниянинг савдо тармоғини кенгайтириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратишни таъминлаш мақсадида 2012-2014 йилларда "Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси томонидан Самарқанд, Жиззах, Термиз ва Қарши шаҳарлари хуудлари бўйлаб "Ягона ойна" тамойили асосида фаолият олиб боровчи қўшимча бешта савдо офислари фойдаланишга топширилди.

Аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида барча савдо офисларида техник хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди, мазкур марказларда мобил ва стационар телефонлар, маълумотлар узатиш бўйича турли хилдаги модемлар, Set-top-box тюнерлари ва шу

Дилором РУЗИМУРОВА,
"Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси ходимлар бўлими бошлиғи:

— "Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси ижро аппарати ва филиалларида 824 ходим ишлаб келмоқда. Шулардан 196 нафари олий маълумотли, 323 нафари ўрта махсус ва 305таси ўрта маълумотли, хотин-қизлар — 296 нафар. Ҳар бир ходимимиз ўзи устида тинимсиз ишлайди, янгиликлар яратишга интилади, айниқса, ижро ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилади.



Икром ҲАБИБОВ,
"ЎЗИ-Самарқанд" филиали 1-боғламаси бошлиғи:

— Филиалда йил давомида ҳар бир MSAN станциясига оптик толали кабел тортилиб, монтаж ишлари тугатилди. MSAN-ATC атрофи хавфсизлик панжаралари билан ўралди, ерга уланиш ишлари бажарилди, MSAN станцияларини доимий электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қўшимча кичик ҳажмдаги (4 кВт) ДГА ускуналар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Умумий ҳисобда 11,469 км. оптик толали алоқа кабеллари барча 8та MSAN станциясига тортилди.

Абонентлар магистрал ва тарқатиш линиялари техник бўлим томонидан қайта хатловдан (инвентаризация) ўтказилди. Инвентаризация мобайнида абонент карточкаларида қайд этилган техник параметрлар тақсимловчи жавондаги кўрсаткичлар билан бир хилда бўлиши қайта кўриб чиқилди.

Автомат телефон станциялари кесимида қайта улаш ишлари бўйича чора-тадбир режаси ишлаб чиқилиб, шу режа асосида қайта улаш ишлар белгиланган муддатда тугатилди. Ҳар бир АТСдан ўлчам ишлари учун кросс ходими, линия участка электромонтёри, кабел пайвандловчи ва АТС менежери масъул этиб белгиланди. Назорат ишларига филиал раҳбарлари бошқош бўлишди.

Оптик толали алоқа кабеллари монтаж ишларини олиб бориш учун махсус гуруҳ ташкил этилган. Шу гуруҳ мутахассислари томонидан оптик толали алоқа линияси кабелларини ётқизиш ва монтаж ишлари сифатли олиб борилди.

кичлари 103 фойизга бажарилди.

Ҳисобот даври якунлари бўйича интерфаол телевидение — IPTV хизмати бўйича ҳар бир абонентдан олинган ўртача ойлик даромад 6817 сўми, xDSL ва FTTx технологиялари бўйича кенг поласали интернет хизмати абонентлари базасининг ўсиш сурати 2014 йил бошига нисбатан 272,3 фойизни, абонентлар сони эса 23334 нафарни ва ҳар бир абонентдан олинган ўртача ойлик даромад 12 293 сўми ташкил этди.

Компания мобил алоқа абонентлари сонини ҳам ошириб бормоқда. 2014 йил якуни бўйича "Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонасида UZMOBILE филиали CDMA-450 стандарти мобил алоқа хизматининг ҳар бир абонентидан олинган ўртача ойлик даромад 4498 сўми ташкил этди.

"ЎЗИ-Самарқанд" филиали раҳбар ва мутахассис ходимларидан Кутбиддин Холиқов (33-АТС кабелчи-кавшарловчиси), "ЎЗИ-Қарши" филиали техник директори Абдуқаҳҳор Дўстқобилов, техник бўлим электромеханиги Исмаил Чориев, Шокир Эшматов (капитал қурилиш ва кадастр хизмати бўйича менежери), Шокир Норқўчқоров ("ЎЗИ-Термиз" филиали ШТТ бошлиғи), Шавкат Мирсаидов (АТС бошлиғи), Ҳаким Содидов ("ЎЗИ-Жиззах" филиали ШТТ бошлиғи), Суннат Норбоев (4-АТС электромонтёри)ларнинг беминнат хизматлари натижасида қўшма корхона аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш сифати ҳамда самарасини оширишга эришмоқда.

ХИЗМАТДАН МАМНУНМИЗ

Бизлар бир неча йиллардан буён шаҳар телефон тармоғи абонентларимиз. Кўп ҳолларда телефон сузлашувида орага бегона кишиларнинг қўшилиши ёки сузлашувида узидишлар, баъзи вақтларда шовқин билан ишлаш ҳолатлари, кабел носозликлари вақтларда шовқин билан ишлаш ҳолатлари, кабел носозликлари сабабли телефонларнинг умуман ишламай қолгани содир бўлиб туради. Мана, бир неча ойдирки, янги телефон ускунаси ўрнатилган, бундай нохушликларга барҳам берилди. Бундай қулайликлардан бениҳоя хурсандимиз.

Оттабек УЗОҚОВ, Жамол ҚОДИРОВ,
корхона мижозлари

кабиларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилади.

Бундан ташқари, марказларда техник жиҳозлардан фойдаланиш бўйича аҳолига мутахассис маслаҳати берилди, компьютер техникасини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилди.

2014 йил якунлари бўйича телекоммуникация йўналишидаги корхоналарда техник сервис хизмати (компютерлар ва абонентлик терминалларини таъмирлаш)дан олинган даромад қўшма корхона бўйича 12,58 млн. сўми ташкил этди ва белгиланган режа кўрсат-

бош мезон

Интернешнл" ҚҚ янада жадал ривожланиш учун катта имкониятлар ва инфратузилма зарарларига эга. Кейинги йилларда корхона телефон станцияларининг бир қисмини модернизациялаштириб, ўз тармоғи технологик имкониятларини оширди.

Маркетинг фаолияти

2014 йилги маркетинг стратегияси доирасида ҳамда телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича бозордаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, компаниянинг UZONLINE ва UZMOBILE савдо белгилари остида тақдим этилаётган тариф сиёсати, махсулотлари ҳамда хизматлари рақобатбардорлиги доимий мониторинг олиб борилди. Бозорни мониторинг қилиш якунлари бўйича ҳамда янги мижозларни жалб қилиш ва компаниянинг мавжуд мижозлар базаси содиқлигини ошириш мақсадида ҳисобот даврида кенг поласали интернет ва мобил алоқа хиз-

Ольга БАЛАБАНОВА,
"Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси тармоқини ривожлантириш ва ишлатиш департаменти мўҳандиси:



батан 27,25 фойизга ўсди.

"Ўзбектелеком Интернешнл" қўшма корхонаси мамлакатимизда амалга ошириляётган ижтимоий лойиҳаларга катта этибор қаратиб, уларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Мадина ҒАФФОРОВА,
"ЎЗИ-Самарқанд" филиали сифат кўрсаткичларини назорат қилиш бўлими бошлиғи:

— Янги NGN лойиҳаси асосида Самарқанд шаҳрида MSAN станцияларининг ўрнатилиши натижасида мис кабеллар ўрничи замонавий оптик толали боғловчи линиялар эгалланди. Бу магистрал кабеллардан телефон носозликларини ўз ўзидан йўқолишига олиб келди, иш сифати бир неча баробарга ошди. Бўш қолган магистрал кабеллардан телефон тармоғини қайта ривожлантиришда фойдаланиш мўлжалланган.


Бундан ташқари, монтаж сифати катта бўлган 221/222 АТСда қўшимча хизмат тури — абонентлар рақамини аниқлаш хизмати йўқ эди. Минг рақамли MSAN станцияларининг ўрнатилиши бу муаммони бутунлай ҳал этди. IPTV, кенг поласали қамров каби қўшимча хизмат турларининг кири-тилиши Самарқанд шаҳри аҳолисига янада кўпроқ қулайликлар яратди.

Қўрсаҳифа материалларини "Xabar"нинг Самарқанд виллоятидаги муҳбири Абдуғафур ҲОТАМОВ тайёрлади

2015 йил қурилмалари


Букилувчан экранлар

Яна Samsung. Бу сафар компания букилувчи экранли смартфонларини чиқармоқчи. Тадбир йилнинг охирига мўлжалланган.



Энг катта iPad

Apple компанияси диагонали 12 дюймлик iPad Pro планшетларини йил бошидаёқ чиқара бошлаши кутилмоқда.



HTC One –

янги талқинда

HTC компанияси 2013 йили HTC One қурилмасини чиқариб янги Android-қурилмалар асрини бошлаб берди. Негаки, бу iPhone билан ҳам ташқи, ҳам ички тузилиши жиҳатидан ростмана рақобатлаша оладиган биринчи телефон эди. HTC Openning иккинчи талқини ўтган йил баҳорида чиққан бўлса, учинчи шакли 2015 йилнинг март ёки апрел ойида кенг оммага ҳавола этилиши кутиляпти.



OnePlus –

савдолар етакчиси

Хитойнинг OnePlus стартапи 2014 йили the One деб номланган ажойиб смартфонини тақдим этди. Бу Android-қурилманинг имкониятлари Samsung Galaxy S5 сингари машҳур смартфонларникидан қолишмайди, нархи эса бирмунча арзон — 350 доллар.

Анча оммалашиб улгурган бу қурилманинг навбатдаги талқини 2015 йилнинг биринчи ярмида чиқади.



С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Ўтган йил ахборот технологиялари соҳасидаги қатор шов-шувли тақдимотлар билан барчамизнинг ёдимизда қолди ва мана шу тақдимотлар маҳсулидан кенг омма айнан 2015 йили баҳраманд бўлиш имконига эга. Демак, 2015 йили фойдаланувчиларни энг кўп жалб этиши кутилаётган ишланмалар ўнталиги билан танишамиз.

Windows 8 ўрнига Windows 10



Ўтган йил кузида Microsoft янги амалий тизими тақдимотини ўтказди ва унга Windows 10 деб ном берилганини маълум қилди.

Windows 10 смартфонлар, ноутбуклар, компьютерлар, ҳатто Xbox билан ҳам ишлай олади. Continuum функцияси боис қанақанги экранда ишлатилишига қараб интерфейсини ўзгартира олади. Тўғри, тизим ҳозирча анчагина "хом", бироқ компания 2015 йил интиҳосига қадар барча носозликларни бартараф этишга ваъда берган.



Galaxy S6 – умидбахш қурилма

Корейслар мазкур смартфонни йил бошида тақдим этишни режалаштиришган. Ҳозирча барча ишлар ўта махфий тутиляпти. Айтишларича, янги қурилманинг хуфий номи — Zero, яъни нол. Негаки, смартфон бутунлай янгитдан ишлаб чиқияпти.

Энг сараси – Pebble

Бугунги кунда мавжуд "ақли" сотлар орасида энг яхшиси, шубҳасиз, бу — Pebble. Унинг охириги талқини — Steel 2014 йил бошларида сотувга чиқарилганди. 2015 йил дастлабки чорагида ҳам компания фойдаланувчиларига ажойиб совғасини туҳфа қилишга ҳозирлик кўрапти.




Microsoft Surface мини-планшетлари

Microsoft компанияси мини-планшетларини ўтган йил баҳорида чиқармоқчи бўлган, бироқ, охир-оқибат, катта экранли Surface Pro 3 билан чекланганди. Аммо Surface Mini ҳеч кимнинг ёдилан кўтарилгани йўқ. Эҳтимол, 2015 йили уни кўрармиз.



Microsoft Office – капитал таъмирланади

Янги йил Microsoft Office учун тарихий бурилишлар йили бўлиши кутиляпти. Компания офиснинг Windows учун планшет ва ноутбукларга мўлжалланган тач-дисплейли янги талқини устида иш олиб борапти.



Oculus Rift – виртуал борлиқни кўрсатади

Мазкур виртуал қурилма Facebook асосчиси Марк Цукербертга ҳам ёқиб қолди ва у компанияни 2 млрд. долларга сотиб олди. Айни пайтда изланишлар давом этапти ва 2015 йил охирида тақдим этилиши кутиляпти.

Oculus Rift биринчи навбатда геймерларга мўлжалланганди, аммо кейинчалик ундан интернетда мулоқот қилувчилар, интерактив фильмларни томоша қилувчилар ва виртуал саёҳат мухлислари фойдаланишлари мумкин бўлади.

Ўзбек футбол акадeмиги

1991 йили танлов асосида Тошкент ахборот технологиялари университети "Жисмоний тарбия" кафедрасига мудар этиб тайинланган. Айни пайтда мазкур кафедрада профессор, шунингдек, университет мини-футбол терма жамоасида бош мураббий сифатида фаолият юритиб, йиллар давомида тўплаган тажрибасини ёшларга ўлашиб келаяптир. Яқинда нашрдан чиққан Ўзбек футбол акадeмиясига И.Кошбахтиев ҳақидаги мақола ҳам киритилган.

Инсон умри йиллар билан эмас, балки қилган ишлари билан ўлчанади. Зеро, Илдар Аҳмедович ҳаётдан, яшашдан мазмун топган, соғлом авлод тарбияси йўлида улкан ишларни амалга оширган устоздир. Биргина мисол, Осиёнинг энг яхши футбол мураббийи дея эътироф этилган Ўзбекистон терма жамоаси собиқ мураббийи Рауф Инилевнинг ана шундай маъқола эришишида унинг устози — педагог, мураббий ва олим Илдар Кошбахтиевнинг ҳиссаси жуда катта. Албатта, устоз йиллар давомида қилган ишлар бугун мевасини бераётганидан, шогирдларнинг ютуқларидан мамнуният, фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этади.

Ҳаммамиз улкан режалару яхши ниятлар билан 2015 йилни қарши олдик. Биз билан суҳбатда Илдар Кошбахтиев жисмоний тарбия ва спортнинг таълимдаги ўрни, замонавий таълим усуллари, кафедра ҳаётида бўлаётган янгилар ва албатта, янги йил режаларини сўзлаб берди:

— Дунёнинг кўп қисми мамлакатларида бўлдим. Бирок инсон биздагичалик юксак қадр топган юртин кўрмадим. Катталарнинг хурматини жойига қўйиш, ёшларга ғамхўрлик қилиш, хотин-қизларга эътибор кўрсатиш — буларнинг барчаси мамлакатимизнинг давлат дастурларида ақсини топаётгани истижобли келажакимизни кафолатлайди. Жумладан, 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши ҳам ана шу эзгу амалларнинг мантқиқий давоми сифатида мени, барча катта авлод вакиллари қатори қувонтирди.

2009 йили ТАТУ универсал спорт залини қурибли, фойдаланишга топширилиши кафедрани фаолиятда катта бурчли эсади. Бу қўлайликдан энди нафақат университет талаба ва ўқитувчилари, балки соҳа ходимлари, қолаверса, спортга ошно барча инсонлар бирдай бахраманд.

2010 йили Осиё футбол конфедерацияси шафёлигида Тошкентда ўтказилган Футзал бўйича Осиё чемпионатининг айрим ўйинларига (Қирғизистон-Ўзбекистон, Япония-Туркменистон, Жанубий Корея-Ташланд) спорт мажмуамиз мезбонлик қилди.

Мазкур спорт қошонасида ҳар йили аёллар ўртасида мини-футбол бўйича мамлакат чемпионати, спорт рақсалари бўйича мусобақалар мунтазам ўтказиб келинапти. Қолаверса, мазкур аренада гимнастика ва мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоалари аксарият машғулоти бўлиб ўтади.

2012 йилдан бери мамлакатимиз ҳаваскор жамоалари ўртасидаги мини-футбол мусобақалари ТАТУ спорт



Илдар КОШБАХТИЕВ, педагогига фанлари доктори, профессор.

Маълумот ўрнида: 1975 йили номзодлик диссертациясини Ленинградда ҳимоя қилган. 1994 йили докторлик, 1995 йили профессорлик илмий унвонига эга бўлган. 1996 йилдан Россия педагогик ва ижтимоий фанлар академияси акадeмиги. 1972-1977 йилларда "Старт" (Тошкент) ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг СКИФ футбол жамоалари бош мураббийи бўлиб ишлаган. Профессор И.Кошбахтиев 2000-2002 йилларда Болгария олий лигасида қатнашувчи "Левски" футбол жамоасида маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Ўша йиллари жамоа мамлакат чемпионлиги ва кубогини қўлга киритган.

аренасида ўтказиб келинаётган ва унда университети-миз терма жамоалари (ўқитувчилар, магистрлар, бакалаврлар) ҳам қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Шунингдек, соҳа ходимлари ўртасидаги анъанавий мини-футбол мусобақаларининг Тошкент шаҳри ва республика босқичи беллашувлари ҳам айнан бизнинг мажмуамизда бўлиб ўтади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мини-футбол талабаларимиз ўртасида энг аммалашган спорт тури ҳисобланади. Ҳатто уларнинг айримлари мамлакатимизнинг профессионал жамоаларида тўп суришяпти. Масалан, Д.Холмирзаев "Ардус" таркибида мамлакат чемпионлигини қўлга киритиб, спорт устаси деган номга сазовор бўлди. Бундан ташқари, бакалаврларимиздан И.Бахтиев "Олмалик", Г.Миржасуров "Локомотив" шарафини ҳимоя қилишяпти. Биринчи лига жамоаларида ҳам кўп қисми шогирдларимизни учратилиши мумкин.

2015 йилда ҳам кўп қисми тадбирларни ўтказишни режалаштирганмиз. Хусусан, январ ойидан бошлаб ҳозирда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган университетнинг собиқ талабалари ўртасида мини-футбол бўйича мусобақаларга старт берилди. Ташландда сентябр ойида ўтказилган армрестлинг бўйича жаҳон чемпионатида университет ўқитувчиси Камил Керимов мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Албатта, соҳа ходимлари ўртасидаги мини-футбол мусобақаларида ҳар доимидек жамоамиз фақат чемпионлик учун кураш олиб боради.

Қўл остидаги икки нафар ассистент бу йил илмий ишини ёқлашга ҳозирлик кўряпти. Ҳозиргача улар Давлат олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган журналларда 15тадан илмий мақолаларини чоп этишди.

2015 йили ўзим ҳам кўп қисми илмий мақолаларимни чоп этишни, қолаверса, автобиографик мазмундаги китобимни ёзиб тугатишни режалаштирганман.

Собит АҲАДОВ
суҳбатлашди

QISQA SATRLARDA



Бугун Австралия яшил май-долларида футбол бўйича XVI Осиё кубоги мусобақаси бошланади. Мусобақа Австралия ва Кувейт терма жамоалари учрашуви билан очилади. Очилш ўйинини ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқариб боради. Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг гуруҳ баҳсларини 10 январ кун Сидней шаҳрида КХДР терма жамоасига қарши учрашув билан бошлайди. Футболчиларимиз 14 январ кун Хитой, 18 январда Саудия Арабистони вакиллари билан куч синашади.

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) томонидан 2014 йил якунлари бўйича дунёнинг энг яхши футбол ҳакамлари рўйхати эълон қилинди. Унда 37 балл жамғарган ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов бешинчи ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз ҳарбий спортчилари 2014 йилги спорт мавсумида ички ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда жами 856 медални қўлга киритишди. Жумладан, Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида Марказий ҳарбий спорт клубининг 44 нафар вакилидан 18 нафари голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Ҳиндистоннинг Ченнаи шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган анъанавий халқаро турнирда ҳамюртимиз Марат Жумаев кумуш медални қўлга киритди.

Қатарнинг Доҳа шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик ёш спортчилар 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.

Латвия пойтахти Рига шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Латвия, Литва, Эстония, Швеция, АҚШ, Россия ва Беларус давлатлари спортчилари иштирокида ўтказилган мусобақада ҳамюртларимиз иккитадан олтин, кумуш ва бронза — жами олти медал жамғарди.

Янги йил байрами арафасида Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бунёд этилган 17та спорт иншооти ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фойдаланишга топширилди.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан "Раҳматилло ота" ХКга 2013 йил 30 марта берилган СА 01266 рақамли муҳим оқлатилиш қорқонаси томонидан алоқолли маъсулолларни сотиш ҳуқуқи учун рўхсат гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Бекмурод Нигматов номига 2011 йили берилган 22011 рақамли рейтинг дафтари ҳисоби йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўтавларнинг охири оқиб бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали жамоаси филиалнинг "Ахборот технологиялари" кафедраси доценти Зоир Узоқовга акаси Абдураҳим УЗОҚОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоаси ва бошлангич касаба уюшмаси қўмитаси филиал почта алоқасини ташкил этиш бўлими бошлиғи Юлдузхон Абдуллаевага водидан муҳтарамаси РИСОЛАТХОН аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

IBRAT

ОДОБНИ ЙЎҚОТМАНГ

Сув, Олов ва Одоб учаласи дўст бўлишибди. Бир куни бирга сайрга чиқишибди. Қаттиқ шамол турган экан, хавотирланишиб, олдин Сувдан сўрашибди:

— Йўқолиб қолсанг, сени қаердан топамиз?

— Қаерда шариллаган, шилдираган овозни эшитсаларинг, мен ўша ерда бўлам, — дебди Сув.

Шундан сўнг Оловдан сўрашибди:

— Сени йўқотиб қўйсақ, қаердан топамиз?

— Қаерда тутун кўрсаларинг, мен ўша жойда бўлам, — дебди Олов.

Навбат Одобага келганида, у шундай жавоб берибди:

— Мени йўқотсаларинг, излаб юрманлар, ҳеч қаердан топа олмайсилар.

АКС САДО ВА ҲАЁТ

Ота билан ўғил тоғда кезиб юришарди. Бирдан ўғил қоқилиб тушди ва жони оғриб, бақириб юборди. Узокдаги чуққидан у чеккан "оҳ" акс-садоси келди. Бола бу садони эшитиб, ҳайрон қолди ва: "Сен кимсан?" деб бақирди. Яна: "Сен кимсан?" деб акс-садо келди. Бола газаб билан: "Сен кўрқоқсан!" деб бақирди. Тоғдан ҳам: "Сен кўрқоқсан!" деган жавоб келди. Бола отасига қараб:

— Дада, нима бўляпти? — деб сўради.

— Ўғлим, буни билиб ол, — деди отаси тоққа қараб: "Сенга ҳайронман!" деб бақирди. Тоғдан жавоб келди: "Сенга ҳайронман!". Отаси энди: "Сен муҳташамсан!" деб бақирди. Жавоб келди: "Сен муҳташамсан!". Бола ҳайрон қолди, аммо ҳали ҳам нималар бўлаётганини фаҳмлай олмасди. Отаси бу воқеани шундай изоҳлади:

— Ўғлим, буни одамлар "акс-садо" дейишади, аслида бу ҳаётнинг бир қонунидир. Бошқаларга берганларинг ҳаётдан оласан. Ҳаёт бизнинг қилмишларимиздан иборат. Севги истасанг, кўпроқ сев! Шафқат тиласанг, янада шафқатли бўл! Хурмат истасанг, катта-кичикни эъозла. Инсонларнинг сента сабрли бўлишларини истасанг, ўзинг ҳам сабрли бўлишни ўрган.



ТАХТАГА ҚОҚИЛГАН МИХЛАР

Доим дўстлари билан тортишиб юрадиган бир қайсар йигит бор экан. Бир куни дадаси унга бир қоп миҳ берибди.

— Одамлар билан тортишиб қолганингда ҳар сафар тахтага биттадан миҳ қоқ, — дебди.

Йигит биринчи ҳафтадаёқ тахтага ўттиз етти миҳ қоқибди. Кейинги ҳафталарда ўзини бошқаришга ҳаракат қилибди ва кундан-кунга миҳ қоқишни озайтирибди. Ниҳоят, бир куни битта ҳам миҳ қоқмабди. Бу ҳолни отасига келиб айтибди. Отаси уни тахтанинг ёнига етаклабди:

— Бутундан бошлаб ҳеч ким билан тор-

тишмаган кунларинг биттадан миҳни сўғуриб олавер, — дебди.

Кунлар ўтаверибди. Ниҳоят, бир куни тахтада бирорта ҳам миҳ қолмабди. Отаси унга:

— Офарин, яхши иш қилдинг. Энди бу тахтага диққат билан қара, шўрлик, илматешиқ бўлиб кетибди. Олдингидай чиройли эмас. Одамлар билан тортишганингда ёмон сўзлар айтгансан. Ҳар бир ёмон сўз кўнгида асорат қолдиради. Энди дўстларингдан узр сўраб, яхши сўзлар айтиб, қалбларига малҳам бўлишинг керак, дебди.



Ҳикмат

ЗЕБ-ЗИЙНАТГА ҲИРС ҚЎЙИШ ШОН-ШАВКАТНИ БАРБОД ЭТАДИ, ЎРМОН ШЕРИГА НИСБАТАН ЗАНЖИРБАНД ШЕРНИНГ САВЛАТИ КЎРИМСИЗДИР.

Алишер НАВОЙИ



Наргиза УГЛАМОВА тайёрлади

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хурийд МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Маҳсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Руслан ҚОСИМОВ, Сувои НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор тоққўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-165 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,
Алади: 13871 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 715-87-21 Гулистонда 240-00-46 Жиззахда (94) 199-95-64 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 230-64-80 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 288-40-66 Урганчда (90) 713-21-40 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99